



## ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА УНИНГ ҚҮЛЛАШДАГИ ЗАРУРАТ

Аблакулов Уткир Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги

Судьялар олий мактабининг

Жиноят хуқуқи ихтисослиги 1-гурух тингловчиси

utkirablakulov@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10518248>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 15<sup>th</sup> January 2024

Online: 16<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Айб, айбдор, жиноят, жавобгарлик, жабрланувчи, жазо, жиноий таъқиб, ярашув, одил, судлов.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада ярашув институтининг умумий тавсифи ва унинг қўллашдаги зарурати билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Шунингдек, мақолада муаллиф, мазкур институтга бериладиган таъриф: ярашувнинг фактик ҳолат эканлигини қайд этиши; ярашув жараёнини кўрсатиши; жиноят содир этган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаши лозимлиги каби ярашув институтининг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этиши лозимлиги борасида фикирлар бериб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгач, ўз олдига хуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйди ва бу мақсадларни амалга ошириш йўлида давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш учун бир қатор хуқуқ соҳаларида бўлгани каби суд-хуқуқ соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга ошириб келмоқда.

Дарҳақиқат, бу ислоҳотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар ҳисобланиб, бу йўналишлардан бири мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш эканлиги кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Жамиятимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон хуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда жиноят қонунчилигига 2001 йилда киритилган ярашув институтини ўрни бекиёсdir.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.01.2024 й)



ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши билан миллий қонунчилик тизимида ярашув институти жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 62 боби "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш" деб номланиб, ушбу кодекснинг 582-586 моддалари жиноят иши юритуvida ярашув институтини қўллашнинг процессуал тартибига бағишлианди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида бир қанча жиноятларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, ушбу жиноятлар учун ярашув институтини қўллаш мумкинлиги белгиланди.

Ярашув институтини жорий этишнинг концептуал асослари мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан белгиланган бўлиб, Президентимиз: "Жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади"<sup>2</sup> деган эди.

Ярашув институтининг мазмун-моҳиятига тўхталашибган бўлсак, ярашув деганда албатта хар бир инсон ўзаро низолашган, урушган инсонларнинг бир-бирини кечирганлиги, муросаю-мадорага келганлигини тушунади. Гарчи ярашув институти қонунчилигимизга янги кириб келган бўлсада, ярашув деган тушунча миллий динимиз, қадрият ва урф-одатларимизда ўз аксини топиб, йиллар давомида қон-қонимизга сингиб, қундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлагига айланган бўлса, бугунги кунда ярашув мустақил институт сифатида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида жорий этилиши билан ўзинг ҳукуқий асосини ҳам топди.

Ярашув институтига илмий адабиётларда кўплаб олимлар томонидан турлича таъриф берилган. Улардан бир қанчасини келтириб ўтамиз. Аввало, "Ярашув" ўзбек тилида "яраш" сўзидан келиб чиқкан бўлиб, "уруш-жанжални тўхтатиш, ярашиш" деган маънени билдиради. Ярашув сўзининг маъноси "низо, уруш сабабини бартараф этиб бўлгач вужудга келган келишув, ярашиш ҳолати"<sup>3</sup>дир.

Масалан, англо-саксон ва романо-герман гурухлари тилида "ярашув" асосан келиб чиқиши лотинча "concilio" (бирлаштириш, дўстлаштириш) ёки "reconcilio" (яраштириш, қайтадан боғлаш) сўзларига бориб тақаладиган "conciliation", "reconciliation" (инглиз ва француз тилларида), "riconciliazione" (итальян тилида) ва "reconciliacion" (испан тилида) каби атамалар билан қўлланилади. Немис тилида "ярашув" сўзига "aussohnung" (душманларни яраштириш) ва "ausgleich" (ўзаро зиддиятларни мувофиқлаштириш) атамаларига мос келади.

Англо-саксон ҳукуқий луғатларда "ярашув" - "reconciliation" сўзига тенг экан, унинг изоҳли луғатдаги маъноси қуйидагича таърифланади: "The essential law dictionary" изоҳли луғатида "яраштириш – келишмовчиликни бартараф этиш; одамлар, давлатлар ёки миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни тиклаш"<sup>4</sup>; "Black's law

<sup>2</sup> Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигига. // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.44.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.5 –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2010.-Б. 117-118

<sup>4</sup> Amy Hackney Blackwell. The essential law dictionary. An imprint of sourcebooks, Inc. Naperville, Illinois. Sphinx dictionary, 2008.



dictionary" номли изоҳли луғатда эса, "ярашиш - бунда бўлган икки шахс ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янгиланиши; одатда бир ёки икки томондан жароҳатларнинг кечирилишини назарда тутади".

Демак, "ярашув" институти изоҳли луғатларда тарафлар ўртасида вужудга келган низони тинч йўл билан ҳал этиш маъносини билдиради. Тарафлар жисмоний шахслар, юридик шахслар, ҳаттоки, давлатлар ҳам бўлиши мумкин. Д.Н.Ушакова ярашувга қўйдагича таъриф берган: "Ярашув судда таърафлар ўртасидаги низони ихтиёрий розиликлари асосида тугатиш<sup>5</sup>". Е.А.Рубинштейн томонидан ҳам ўзига хос қўйидагича таъриф илгари сурилган: "Ярашув-жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахснинг содир этган ҳуқуқقا хилоф ҳаракатига нисбатан бевосита жабрланувчи олдида аҳлоқан пушаймон бўлиши ва жабрланувчи томонидан унинг ҳаракатларининг кечирилиши, шунингдек, кўрсатилган шахслар ўртасида етказилган зарарни қоплаш тартиби, миқдори ва муддатлари тўғрисида келишувга эришишидир<sup>6</sup>", деган эди.

Ярашув тушунчасига олимлар томонидан билдирилган турли таърифларни қўриб чиқар эканмиз ушбу таърифларда ярашув институтига хос бўлган элементлар келтирилган бўлишига қарамай, уларни мукаммал таъриф дея олмаймиз, чунки олимлар ярашувга берган таърифларида ўз нуқтаи-назарларидан келиб чиқсан бўлиб, берилган таърифлар ярашувнинг барча элементларини қамраб ололмаган. Фикримизча, мазкур институтга бериладиган таъриф ярашув институтининг қўйидаги асосий хусусиятларини ўзида мужассам этиши лозим. Яъни: а) ярашувнинг фактик ҳолат эканлигини қайд этиши; б) ярашув жараёнини кўрсатиши; в) жиноят содир этган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаши лозим<sup>7</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтилган белгилар Е.В.Ухова томонидан берилган қўйидаги тушунчада нисбатан тўлиқроқ ифодаланган: "Ярашув-айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги жиноят-ҳуқуқий низони қонунда белгилangan тартибда ўзаро ихтиёрийлик асосида тартибга солиш, шунингдек, ушбу шахслар ўртасида етказилган зарарни қоплаш тартиби, ҳажми ва муддатлари тўғрисида келишувга эришишдир<sup>8</sup>. Ҳуқуқда эса ярашув юридик аҳамиятдаги келишув-ваколатли тарафлар ўртасидаги келишув сифатида таърифланади.

Бунинг моҳияти эса, турли-туман бир-бирига зид қарашлари, ёндашувлар бўйича ўзаро келишувга эришиш ёки уни тиклаш, низоли вазиятларни тинч йўл билан ҳал қилишда ифодаланади<sup>9</sup>.

<sup>5</sup> Толковый словарь языка: В 4т./Под ред Д.Н.Ушакова.-М.:Гос.; ОГИЗ: Гос. Изд-во иностр и нац. Слов., 2014.Яндекс словари. <http://slovvari.yandex.ru>.

<sup>6</sup> Рубинштейн Е.А. Прекращения уголовного дела в связи с примирением с потерпевшим в УПК Российской Федерации// Материалы междунар. Науч.-прак. Конф., посвященной принятию нового УПК РФ, 4-6 февр. 2002г. –М.: Изд-во ООО “Профобразование”, 2002.-С. 165.

<sup>7</sup> Сахаддинов С.М. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография. Тошкент 2013.-265бет.

<sup>8</sup> Ухова Е.В институт частного обвинения в уголовном судопроизводстве.-М: Изд-во “Юрлитинформ”, 2008.-С.45.

<sup>9</sup> С.М.Сахаддинов. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография/ Масъуз мухаррирлар: Академик. Н.Й.Тураев, ю.ф.д. профессор. З.Ф.Иногомжонова. – Т.: 2013.9-бет



Олимлар томонидан ярашув институти ҳақида турли хил фикрлар билдиришган. Мисол учун, жиноят ишлари бўйича томонларни яраштириш энг яхши усулдир. Субъектив иштирок этган жиноий низоларни ҳал қилиш жабрланувчининг ҳам, айбланувчининг ҳам манфаатлари ифодаланилади. Ярашув остида, ичida ярашув процедураларини ўзаро тушуниш керак. Жабрланувчи ва айбланувчининг келишилган қарори, мувофиқ ҳозирги жиноий тўқнашув орқали ҳал қилинади бир томондан, кечиримлилик ва бошқа жиноятчиликни истамаслик зарар етказилган шахсни таъқиб қилиш ва бошқа томондан унинг хабардорлиги айбдорлик, зарарни тўғирлаш ва бекор қилишга розилик бериш<sup>10</sup>.

Яраштириш - бу озчиликлар жамоалари, полиция ва бошқа ҳокимият органлари ўртасида тарихий зиддиятлар, шикоятлар ва нотўғри тушунчаларни кўриб чиқиш ва муносабатларни тиклашга имкон берадиган очиқ муомалаларни осонлаштириш усули. Полиция ва улар хизмат қилаётган жамоалар ўртасидаги хурмат, ҳамкорлик ва самарали иш муносабатлар ҳам жамоат хавфсизлигига, ҳам полиция учун муҳимдир. Бироқ, жиддий жиноятлар тўпланган кўплаб жамоаларда ўзаро ишончсизлик ва тушунмовчилик полиция ва жамоаларнинг биргалиқда ишлашига тўскىнлик қиласди<sup>11</sup>.

Жиноят одил судлов ва яраштиришнинг бир неча зиддиятлари мавжуд: ахлоқий жиҳатдан оқланган жазо ўтмишга қаратилган, ярашиш эса яхши келажакни яратиш учун идеалдир<sup>12</sup>.

Е.А.Симонованинг ярашув ҳаққоний бўлиши, шунга кўра, жабрланувчи томон иродасининг оддий ифодаланиши билан чекланиб қолмаслиги лозим, деган фикр билдирган<sup>13</sup>. Ярашув – айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги жиноят-хуқуқий низони қонунда белгиланган тартибда ўзаро ихтиёрийлик асосида тартибга солиш, шунингдек, ушбу шахслар ўртасида етказилган зарарни қоплаш тартиби, ҳажми ва муддатлари тўғрисида келишувга эришиш<sup>14</sup>. Жиноят хуқуқида ярашув юридик аҳамиятдаги келишув бўлиб, ваколатли тарафлар ёрдамида эришилади. Жиноят хуқуқида ярашувга эришиш факти шахсни жиноий жавобгарлиқдан озод қилиши – ярашув жиноят хуқуқий муносабатлар тарафлари ўртасида бўлиши мумкин<sup>15</sup>.

Ярашув институти жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш тури сифатида, шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади<sup>16</sup>. Жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш учун асос сифатида ярашувнинг

<sup>10</sup> Русман Александр Александрович. Прекращение уголовного дела в связи с примирением сторон на стадии предварительного расследования: Дисс канд. юрид. Наук. М., 2006. – С. 76.

<sup>11</sup> Mentel, Z. Racial Reconciliation, Truth Telling and Police Legitimacy. Washington, DC: Office of Community Oriented Policing Services, 2012.

<sup>12</sup> Punishment, Reconciliation and Democratic Deliberation / D.Crocker, 2002.

<sup>13</sup> Симонова Е.А. Примирение с потерпевшим в уголовном процессе Россия: Автореф. Дис...канд. юрид. Наук. – Саратов. 2002. – 25 с.

<sup>14</sup> Ухова Е.В. Институт частного обвинения в уголовном судопроизводстве. М.: Изд-во “Юрлитинформ”, 2008.

– С.45.

<sup>15</sup> Максудов Р.Р. Институт примирения в уголовном процессе: необходимость и условия развития / Р.Максудов, М.Флямер, А.Грасенкова// Уголовное право. – 1998. - №1. С.67-76.

<sup>16</sup> З.Ф.Иногомжонова, Г.З.Тўлаганова. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Ўкув кўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти. 2009. 98-бет.



қўлланилиши – айборд ва жабланувчининг ўзаро келишиши масаласидир. Ярашув томонларнинг эркин хоҳиш-истаклари ва мажбуровсиз амалга оширилаётганлигини аниқлаш керак. Бу эса, жабланувчи томонидан айборни кечириши ҳамда шахсни қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамаслиқда намоён бўлади. Ўз навбатида, айбордан ҳам ўз айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплаш талаб қилинади<sup>17</sup>.

“Ярашув” тушунчасига турли олимлар ҳар хил ёндашувдан таъриф беришади. Ярашув – содир этилган жинот натижаларини бартараф этишга қаратилган процессуал фаолиятга йўналишига айтилади<sup>18</sup>.

Сахаддинов С. томонидан ярашувга оид қатор илмий адабиётлар ўрганиб чиқилган бўлиб, унинг фикрича “... уларнинг аксарияти маълум даражада ярашув институтига хос бўлган у ёки бу белгиларни ифодаласа-да, айрим камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас. Чунончи, айрим таърифларда ярашувнинг фақатгина процессуал жиҳатларига эътибор қаратилгани ҳолда унинг фактик ҳолат сифатидаги хусусияти назардан четда қолган. Бошқаларида эса, айбланувчининг жабланувчига етказилган зарарни қоплаши сингари зарурий асоси ўз ифодасини топмаган. Учинчидан, ярашув амалга ошириладиган процессуал шакллар мустаҳкамланмаган. Фикримизча, мазкур институтга бериладиган таъриф ярашув институтининг қўйидаги – а) ярашувнинг фактик ҳолати эканлигини қайд этиши; б) ярашув жараёнини кўрсатиши; в) жиноят содир этган шахс жабланувчига етказилган зарарни қоплаши лозимлигини ифодалаши каби асосий хусусиятларини ўзида мужассам этиши лозим”<sup>19</sup> ва унинг муаллифлигида ёзилган “Жиноят- процессуал ҳукуқи” дарслигига ярашув ҳақида шундай таъриф беради: “Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш – ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси рўйхатида мавжуд бўлган ва содир этилган жиноят бўйича ўз айбига икрор бўлиб, унинг оқибатларини ва келтирилган зарарини ихтиёрий равишда бартараф этган ҳаракатлари натижасида юзага келади, бунинг оқибатида жиноятдан аввалги ҳукуқлари ҳамда мавқеи тикланган ва келтирилган зарари бартараф этилган жабланувчи ўз ихтиёри билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланвчи билан ярашув тўғрисидаги келишувга рози бўлиб, бу ҳақида жиноят ишига масъул бўлган суриштирувчи, терговчи прокурор ёки судга ариза билан мурожаат этади ва унинг ҳаракатлари текширилиши ва тасдиқланиши натижасида жиноятни содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, уни судланмаганлик мақомига эга қилиш асосида иш суднинг ажримига биноан тугатилади<sup>20</sup>.

Олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, ярашув институти қонунчиликда белгиланган жиноят турларини содир этган шахслар билан ушбу жиноятдан жабр кўрган, ҳукуқи бузилган ва қилмиш орқасидан зарар кўрган шахслар ўртасида

<sup>17</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилганиккинч нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан) умумий қисм / М.Рустамбоев.

– Тошкент: “Адолат”, 2016. – 608 б.

<sup>18</sup> Й.Нарзиев. Жиноят процессида ярашув: мазмун ва моҳият.// Ярашувчилик институтни такомиллаштириш: назария ва амалиёт. Давра сухбати. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 102-109-бет.

<sup>19</sup> С.М.Сахаддинов. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳукукий ва процессуал асослари. Монография/ Масъул мухаррирлар: Академик. Н.Й.Тураев, ю.ф.д. профессор. З.Ф.Иногомжонова. – Т.: 2013. 13-14 бет.

<sup>20</sup> Жиноят-процессуал ҳукуки. Махсус қисм. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТВЮУ нашриёти, 2018. 362-бет.



тузиладиган келишув назарда тутилади. Бу келишув тарафларнинг ҳар бирiga ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишида ва тикланишига хизмат қилади.

Олимларнинг фикрига қараганда, ҳозирда шахслар одил судловга бўлган ишончнинг камайиши натижасида янги процессуал шакллар - медиация, ярашув, музокаралар, арбитраж, минипроцесс ва шулар кабилар вужудга келмоқда. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, шахслар, оиласлар, мамлакатлар ўртасидаги низоларга самарали ечим топишда медиация яхши натижа бериб келмоқда. Ушбу жиноий процессуал институт АҚШ мисолида ўрганилган “медиация” жиноятдан жабр кўрган шахс ва жиноятни содир этган шахс ўртасида воситачилик Ассоциация орқали олиб борилган. Ассоциацияни Миннесота университетининг профессори Марк Умбрит бошқарган. М.Умбритнинг фикрига кўра, жиноятчи авваломбор жабрланувчи олдида айбдор ва айнан шу шахснинг жиноятдан кўрган заарини қоплаши ҳам фарз, ҳам қарз<sup>21</sup>.

Ярашув институти “амалда пушаймон бўлиш” ва “жабрланувчининг аризаси йўқлиги” каби тушунчалар билан умумий ўхшашикларга эга. Амалда пушаймон бўлишдан фарқли ўлароқ, ярашувда етказилган заарни қоплаш ва зарар етказилган жабрланувчи томонидан кечирилишни талаб қиласди, лекин амалда пушаймон бўлишда бу роль дастлабки тергов органлари ва судга тегишли. Формал нуқтаи назардан амалда пушаймон бўлишда қонунчилик томонидан белгиланган аниқ шартлар келтирилган бўлиб, уларнинг ҳатто биттасининг йўқлиги ушбу асосни қўллашга йўл қўймайди. Ярашувда жабрланган шахс билан айбдор шахс ўртасида заарни қоплаш ҳақида келишилмаган бўлса ва томонлар шунга рози бўлган вазиятлар жавобгарлиқдан озод қилишга ҳалақит бермайди<sup>22</sup>.

Жабрланувчининг аризаси йўқлиги учун жиноят ишини қўзғатмаслик билан ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаларини фарқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим жиноят таркиблари бўйича жиноят ишлари фақатгина жабрланувчининг шикояти ёки истисно ҳолатларда ваколатли шахслар томонидан қўзғатилиши мумкин (хусусий-оммавий айблок ишлари)<sup>23</sup> ва бунда жабрланувчи шахсан ўзи ёки вакили орқали мазкур иш бўйича суд муҳокамаси жараёнида айблокни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддасига мувофиқ, жабрланувчи аризасининг мавжудлиги шарт бўлиб, у жиноий ишини қўзғатиш учун асос бўлади. Шахс ариза бермаганилиги ёки жиноий иш қўзғатиш учун

<sup>21</sup> С.М.Сахаддинов. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари.

12.00.09 – жиноят процесси; криминалистикаси ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси ихтисослиги бўйича: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация/ С.М.Сахаддинов; Ўз.Р ИИВ Академияси; Илмий раҳбари: Б.Т.Акрамходжаев. – Т., 2005. 36-бет.

<sup>22</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик.2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий техник институти, 2018.– 204 б.

<sup>23</sup> С.Сахаддинов. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Умумий кисм(илмий-амалий шарх) / Масъул мухаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. Т.: Янги аср авлоди, 2014. 254 бет.



бошқа асос йўқлиги ярашувдан ёки жиноят ҳодисаси мавжуд эмаслигини билдиради ва бу жиноят фактининг ўзи йўқлигининг исботи бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлардан, ярашув институтнинг жиноят процесдуал қонунчилигига қўлланилиши жиноят иши тарафдорлари бўлган –

айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида вужудга келган муносабатларга таъсир қиласи ва у қўйидаги мазмун-моҳиятга эгадир:

тарафлар ўртасидаги ўзаро зиддиятни баратаф этишда ижобий натижага эришиш;

жарбланувчига етказилган моддий заарнинг ўрни қоплаш бўйича тарафлар ўзаро келишиб олиши;

инсонлар ўртасидаги инсоний, кечиримлилик фазилатлари шакланиб, жамоада ушбу фазилатларнинг сақланиб қолишида кўмаклашиши;

хуқуқбузарларни жамоанинг бир қисми сифатида ўрнини сақлаб қолиб, уни тарбиялаш;

хуқуқбузарнинг ўзи ва унинг оиласидан судланганлик ҳолати билан боғлиқ салбий оқибатлар (камситишлар, жамоадан ажратиш ва бошқалар) олидини олишдан иборат.

Мавжуд амалиёт кўрсаткичлари ва натижаларига кўра, бу институтнинг қонунчилика киритилиши истиқболли бўлиб, мамлакатимизнинг жиноят процесдуал қонунчилик тизимига киритилган ярашув институти ўзига хос ривожланиш босқичи содир бўлмоқда. Суд-хуқуқ ислоҳотларининг таркибий қисми сифатида жиноят тизим қонунчилигига амалга оширилаётган либераллаштириш ислоҳотлари муҳим ва устувор ўрин эгаллаган.

Юқорида келтириб ўтилган олимлар томонидан ярашувга берилган турли таърифлардан келиб чиқиб, ярашув институтига биз қўйидагича таъриф бермоқчимиз: Ярашув - жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида юзага келган жиноий хуқуқий низони тарафлардан бирининг ташабbusи билан ҳамда ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги асосида жабрланувчига етказилган заарни қоплаш хажми ва тартиби тўғрисидаги келишувдир.

Хуллас ярашув институтининг аҳамияти, унинг афзаллик томонлари қўйидагилардан иборат:

ушбу институтнинг жорий қилиниши жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги низони жиноий жазо чораларини қўлламасдан ҳал қилиш имконини беради;

жиноятга адашиб кириб қолган шахсларга ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш имконини вужудга келтиради ҳамда жамиятда жиноятчиликнинг камайишига сабаб бўлади;

жабрланувчига етказилган заарнинг тез ва тўла қопланишини таъминлашга хизмат қиласи.